

*Абдурахмон ВАХАБОВ,
Узбекистон Республикаси
Банк-молия академияси ректори,
иқтисод фанлари доктори, профессор*

ҲАЁТИМНИНГ АЖРАЛМАС БУЛАГИ

Мен тарих ва иқтисодий география фанларига жуда қизиққаным учун 1970 йили мактабни битириб, ТошДУ тарих факультетининг «Сиёсий иқтисод» бўлимига ҳужжатларимни топширдим ва кириш имтиҳонларидан муваффақиятли утиб, талаба деган фахрли номга сазовор бўлдим. Университет бошқа олий ўқув юртларидан фарқли улароқ, алоҳида шаҳарчада жойлашганлиги, катта илмий салоҳият ва моддий техника базасига, республикадаги энг бой кутубхонага эгаллиги билан ажралиб турар эди. Биз университетнинг ўқув ва илмий кутубхоналарида мамлакатимиз ҳамда собиқ Иттифоқ ҳудудида нашр этилган ҳамма дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий монографиялар ва журналлар билан танишиш имкониятига эга эдик. Университетнинг иқтисодиёт йўналиши назарий жиҳатдан пухта тайёрланган иқтисодчи, иқтисодий назария фани ўқитувчиларини етиштиришга ихтисослашган эди.

Ҳаётимда эришган ҳамма ютуқларим Ўзбекистон Миллий университети билан чамбарчас боғлиқ.

Факультетнинг республикадаги кадрлар тайёрлайдиган етук марказлардан бирига айланишида халқаро илмий алоқалари муҳим ўрин тутади. Факультет тарихида Умумжаҳон банкининг «Ўтиш иқтисодиётида ижтимоий соҳани ислоҳ этиш», Европа Иттифоқининг «TEMPUSFTASIS» дастурларини «Тошкент Давлат университетида ҳозирги замон тилларини ўқитиш», «Тошкент Давлат университетида халқаро иқтисодий муносабатлар ихтисослиги бўйича магистрлик курсларини очиш», Дания Таълим вазирлигининг МДХ мамлакатлари иқтидорли ёшлари учун, Дания Ташқи ишлар вазирлигининг Демократияни ривожлантириш ўқув грантлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Шахсан мен университетнинг иқтисодчи олими, мутахассиси сифатида Жаҳон банки (АҚШ), Гарвард университети (АҚШ), Москва Давлат университети, Россия Президенти ҳузуридаги Давлат хизматчилари академияси (Россия), Копенгаген университети ва Копенгаген бизнес мактаби (Дания), Суррей ва Экзетер университетлари (Буюк Британия), Бирлашган Вена институти (Австрия),

Чонжу университети ва Йоджу технология институти (Корея), Гистадрут халқаро институти (Исроил), Варшава университети (Польша), Европа университети (Венгрия), Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий фанлар академиясининг «Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё илмий тадқиқот институти», Молия ахборотларини узатиш агентлиги (Люксембург), Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Франкфурт молия ва менежмент институти, Бременхафен технология университети ва Потсдам университетлари (Германия)да илмий стажировкада бўлдим ва маърузалар уқидим.

Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультетининг битирувчилари республиканинг иқтисодиёт йўналишларида мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади деган савол тугилиши, табиий. Менимча, ушбу фарқлар устун даражада университет битирувчиларининг нисбий рақобатбардошлигини, устунлигини белгилаб беради. Биринчидан, Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланаётган кадрларнинг назарий-гуманитар жиҳатдан тайёргарлигига катта эътибор берилди ва макроиқтисодий доирада фикрловчи малакали иқтисодчи кадрлар тайёрланади. Иккинчидан, Миллий университетда иқтисодчи кадрларни тайёрлашда хорижий тиллар ва инфор­мацион технологияларни ўқитиш устувор вазифа қилиб белгиланган. Юқоридаги хислатлар менинг профессионал фаолиятимда муҳим роль ўйнади ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази директори уринбосари ҳамда ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори лавозимида ишлаш жараёнимда жуда асқатмоқда.

Миллий университетнинг республикани бошқа олий ўқув юртларидан яна бир фарқли томони катта миқёсдаги илмий тадқиқот ишлари фаол олиб борилаётганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштирилган амалий ва фундаментал йўналишлар бўйича илмий грантларнинг салмоқли қисми университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан бажарилади. Иқтисодиёт факультетининг етакчи профессор-ўқитувчилари, шу жумладан камина дунёнинг эътиборли Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури каби халқаро молия институтларининг илмий грантлари ёлиби, маҳаллий консультанти ҳисобланади.

Университетнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори устун даражада жаҳоннинг бошқа мамлакатлари учун малакали илмий ходимларни тайёрлаб бериши билан белгиланади. Раҳбарлигимда 1997 йилда Хитой Халқ Республикасининг Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё институти ходими Сун Чунь (ҳозирда Шанхай Ҳамкорлик

Ташкилоти Илмий маркази бошлиғи, профессори). 2000 йилда Корея Республикасининг тадқиқотчиси Ким Се Гон (ҳозирда Сохе университети профессори), 2005 йилда Анқара университетининг ўқитувчиси Бахар Буртан Доган (ҳозирда Анқара университети доктори) ва 2006 йилда Қирғизистон Республикаси Қирғиз-Ўзбек университети ўқитувчиси Нуралиев Нуриддин (ҳозирда Қирғиз-Ўзбек университети кафедра мудири) номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдилар ва уз мамлакатларида масъул лавозимларда ишламоқдалар.

Миллий университет иқтисодиёт факультетининг ҳозирги кунда эришган ютуқлари профессор-ўқитувчиларни шакллантиришда туғри кадрлар тайёрлаш сиёсати олиб борилганлиги билан ҳам белгиланади. Иқтисодиёт факультети вужудга келиши, ривожланиши ва мамлакат учун зарур юқори малакали кадрларни тайёрлашда иқтисод фанлари докторлари, профессорлар А.И. Ибрагимов, М.Р. Расулов, К.Н. Попадюк, А.А. Абдуғаниев, С. Зайнутдинов, Ю.В. Вороновский, Р.М. Муҳиддинов, Б.М. Мингбоевларнинг хизматлари катта.

Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультетининг профессор-ўқитувчилари бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий ва амалий муаммоларини, макроиқтисодиёт, жаҳон иқтисодиёти, Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсати, ижтимоий сиёсат, меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини ошириш, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳудудий муаммолари борасида илмий тадқиқот ишларини олиб боришда етакчи уринни эгалайдилар. Университетда профессор-ўқитувчиларнинг юқори илмий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда университет ҳузурида 1970 йилдан буён иқтисодий назария ва 2002 йилдан бошлаб минтақавий иқтисодиёт ихтисосликлари бўйича докторлик илмий даражасини бериш бўйича республикада ягона ихтисослашган кенгаш фаолият юритмоқда.

Куҳна Марказий Осиё ва республика олий ўқув юртлари илм-фанининг бешиги, дарғаси ҳисобланган жонажон ва севимли Ўзбекистон Миллий университети ҳаётимнинг ажралмас бир қисмига айланган.